



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

06.09.2022 й

Ўзбекистон тумани

4-1503-2201/1542-сонли иш.

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, суд раиси М. Мирмаксудов раислигида, Х.Тўйчиевнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат Палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар Ўзагролизинг АЖ манфаатида жавобгар " ██████████ " нисбатан 73 230 447 сўм асосий қарз, 12 569 362 сўм пеня ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан кўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан даъвогар вакили Ж.Азизов (ишончнома асосида) иштирокида, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суд биносида ўтказилган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

Даъво аризадан кўринишича, “Ўзагролизинг” АЖ (келгуси ўринларда “даъвогар” деб юритилади) ҳамда " ██████████ " (келгуси ўринларда “жавобгар” деб юритилади) ўртасида лизинг шартномаси тузилган, шартномага кўра лизинг ташкилоти қишлоқ хўжалиги техникаси ва воситалари етказиб бериш, жавобгар эса белгиланган муддатларда ва усулларда лизинг тўловларини амалга ошириш мажбуриятини олган, лизинг ташкилоти қишлоқ хўжалиги техникаси ва воситалари етказиб берган, жавобгар эса ўз вақтида лизинг тўловларини амалга оширмаган, натижада Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатини кўзлаб, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгардан 73 230 447 сўм асосий қарз, 12 569 362 сўм пеня ундиришни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида жавобгар томонидан суд мажлисига қадар қисман тўлов амалга оширилганлигини билдириб, даъвони қонуний ҳал этишни сўради.

Жавобгар белгиланган тартибда огоҳлантирилган бўлса-да, суд мажлисида иштирок этмади, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекснинг 170-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд низони унинг иштирокисиз кўриш мумкин деган хулосага келди.

Суд, даъвогар вакилининг кўргазмаларини ва ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади:

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, тарафлар ўртасида лизинг шартномаси тузилган, шартномага кўра лизинг ташкилоти қишлоқ хўжалиги техникаси ва воситалари етказиб бериш, жавобгар эса белгиланган муддатларда



ва усулларда лизинг тўловларини амалга ошириш мажбуриятини олган, лизинг ташкилоти қишлоқ хўжалиги техникаси ва воситалари етказиб берган, жавобгар эса ўз вақтида лизинг тўловларини амалга оширмаган, натижада Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатини кўзлаб, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, жавобгардан 73 230 447 сўм асосий қарз, 12 569 362 сўм пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8 ва 234-моддаларига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексида кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда мажбурият ижара шартномасидан келиб чиққан.

Фуқаролик Кодекси 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Фуқаролик Кодекси 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, жавоб беради.

Фуқаролик Кодексининг 587-моддасига мувофиқ, лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Фуқаролик Кодексининг 597-моддасига мувофиқ, лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларини тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар вакили судга 06.09.2022 йил кунги 22-04-07сонли маълумотнома тақдим қилиб, жавобгар томонидан жавобгар томонидан асосий қарз учун 13 400 000 сўм маблағ тўланганлиги, ҳозирги кунга 59 830 447 сўм асосий қарздорлиги мавжудлигини маълум қилди.

Қайд этилганларга кўра, суд даъвонинг асосий қарз ундириш қисмини 59 830 447 сўмга қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Даъвонинг 12 569 362 сўм пеня ундириш қисмини муҳокама қилишда суд қуйидагиларга асосланди:

Тарафлар ўртасида тузилган лизинг шартномасининг 8.3-бандига кўра, лизинг тўлови белгиланган миқдор ва муддатларда амалга оширилмаса, лизинг олувчи тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, даъвогар томонидан 12 569 362 сўм пеня тўғри ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг 15.06.2007 йил кунги 163-сонли Пленум Қарори 2-бандида қуйидагича тушунтириш берилган:



“Судлар пеняни ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда пеня миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган пенянинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт.”

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, жавобгар томонидан асосий қарз суммаси қисман тўланганлигини инобатга олиб, суд даъвонинг пеня ундириш қисмини қисман 3 778 910 сўмга қаноатлантиришни лозим топади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддаси бешинчи қисмига кўра, даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади. Ушбу модданинг олтинчи қисмига кўра, агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонунчиликда белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд харажатларининг камайтирилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозим.

Қайд этилган ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб, суд харажатлари жавобгар зиммасига юкланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 178-179-моддаларини қўллаб, суд

## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар " ██████████ " ҳисобидан:

- даъвогар “Ўзагролизинг” АЖ фойдасига 59 830 447 асосий қарз, 3 778 910 сўм пеня ва 24 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

- суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига (Марказий банк Тошкент шаҳар, Бош бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази, МФО 00014, Х/Р: 23402000300100001010, Сир: Ғазна. 201 122 919, Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди, ШХВ: 4014228603302303422103011) 1 715 996,18 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

**Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик мўддат ичида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди орқали апелляция тартибида Фаргона вилоят судига шикоят қилиниши мумкин.**

Раислик этувчи

М.Мирмаксудов

